



МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ ОБЩЕСТВЕННОГО ЗДОРОВЬЯ
АКАДЕМИЯ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ УЗБЕКИСТАНА

Народная медицина: прошлое и будущее

материалы международной научно-практической онлайн
конференции с участием международных партнерских вузов



ФЕРГАНА-2021

(Бу овқат меъда ичига етгач, айт-чи, меъда уни қандай ҳазм этади).

Замзам ўлсунким кўп ичса еткурур озор сув.

(Сув гарчи замзам булоғининг суви ўлса ҳам, киши ундан кўп ичса, меъдасига зарар етказди).

Бағир хунобидин заъф ўлди ғолиб хаста жонимға,

Оғир эрди ғизо, авд этди захмат нотавонимға.

(Юрагим қон эди, хаста жонимга заифлик ғолиб бўлди, овқат оғир эди, шу туфайли захмат нотавон жисмимга яна қайтди).

Чучукликдин иситқонға ачиғ шарбат эрур нофиъ.

(Ширинлик ейшдан иситмаси чиққан одамга яна ширин шарбат эмас, балки аччиқ шарбат фойда қилади).

Оз емак сихатқа боис.

Меъда ўзи хурдидағи ошни,

Ҳазм қилур, йўқки ушоқ тошни.

(Меъда кичик тошни эмас, балки ўз қуввати етадиган ошни ҳазм қилади).

Таомики, ул мужиби ком эрур,

Ки ўт ранжини тортмас, хом эрур.

(Одамнинг лаззат олишига сабаб бўладиган ҳар қандай таом олов ранжини тортмаса, хом ҳисобланади).

Кўп тўъма ер эл аросидин ихрож ўл,

Савм аҳли аро бош қўю соҳиб тож ўл.

(Кўп овқат ейдиган одамлар орасидан чиқиб кет, рўза тутувчилар ичига бош уриб, соҳиб тож бўл).

Кўп демак бирла бўлмоғил нодон,

Кўп емак бирла бўлмоғил ҳайвон.

(Оғизго келгонни демак нодоннинг иши ва олдиға келгонни емак ҳайвоннинг иши).

ШИРИНМИЯ (*GLYCYRRHIZA GLABRA* L.) ЎСИМЛИГИНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ.

Садуллаева Д.М., Эсанов Х.Қ.

Бухоро давлат университети

Дунёда аҳоли сонининг ортиши билан истеъмол қилинаётган барча озиқ-овқат ва доривор маҳсулотларини табиийлаштириш, ушбу маҳсулотлар асосларини табиий хом-ашёлардан олишни амалга ошириш долзарб вазифага айланиб бормоқда. Ушбу масала озиқ-овқат, доривор ва хушбўй-зиравор ўсимликлар хом-ашёсининг хилма-хиллигини кўпайтириш ҳамда улардан табиий дори-дармон воситалари ва янги турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Тиббиётда доривор ўсимликларга ва улардан олинадиган препаратларга бўлган талабнинг ошишига сабаб синтез йўли билан олинган ҳар бир кимёвий доривор препаратларни узоқ вақт узлуксиз равишда истеъмол қилиш инсонлар организмда турли салбий ўзгаришларга олиб келишидир. Шунинг учун табиий доривор ўсимликлардан фойдаланишга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Шундай истиқболли турлардан бири ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* L.) ҳисобланади.

Ширинмия ўсимлиги кўп йиллик илдизи бақувват ва Ўзбекистонда кенг тарқалган доривор ўсимликлардан бири ҳисобланади. Илдизи ер остига 3-4 метр чуқурликкача ва ён

томонга 2-3 метргача горизонтал илдизлар тарқалади. Асосий илдизларнинг узунлиги 1-2 метргача етади. Вертикал ҳолатда ўсаётган илдизпоядан янги новдалар чиқаради. Ширинмия вегетатив кўпайиш натижасида ер устки қисмининг кўпгина жойларини эгаллайди. Ҳар бир илдиздан поя ўсиб чиқади ва бу поядан бир неча сийрак барглари униб чиқади. Поясининг узунлиги 2 метргача етади. Барги ланцетсимон, гули оч сиёҳрангда, уруғи қўнғир рангда, бир дуккакда 2-6 тадан бўлади [2].

Бу ўсимлик ривожланиш жараёнида тупроқдаги тузларни ўзлаштириш хусусиятига эга. Биринчи йил июнь-август ойларида гуллайди. Уруғи август-сентябрь ойларида пишади, ширинмия вегетатив ва уруғ орқали кўпаяди. Ўзбекистонда ширинмиянинг 20 дан зиёд турлари мавжуд. Ширинмия туркуми турлари илдизидан ажратиб олинган 18β-Н-глицирризин кислотаси (ГК) ва унинг ҳосилалари, Силлиқ ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*.L), Урал ширинмияси (*Glycyrrhiza uralensis* F.) ва Коржинский ширинмияси (*Glycyrrhiza Korshinski* G.) кўпроқ ўрганилган. Глицирризин кислотасининг миқдори ширинмия илдизида 24% гача етиши мумкин ва у ширин-тахир таъм берувчи калий-кальций-магний аралаш тузлари ҳолида учрайди [1].

Силлиқ ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*.L) ўсимлиги Ўрта Осиёда, Азов денгиз бўйларида, Шимолий Кавказда, Шарқий Кавказ ортида, Жанубий-шарқий Европада, Испания, Франция, Италия, Болқон ярим ороли давлатларида, Туркияда, Россиянинг жанубида, Эронда, Марказий Осиёда, Афғонистонда тарқалган. Урал ширинмияси эса асосан Сибирда, Қозоғистонда ва Мўғилистонда кенг тарқалган [3].

Ширинмия доривор ўсимлик сифатида ер остки қисмидан фармацевтика саноатида фойдаланилади. Илдизи куз ёки эрта баҳорда йиғилади. Илдизини қовлаб олиб поялари қирқилади, силкитиб ташланади сўнг совуқ сув билан ювилади, бўлақларга бўлиниб қуёшда ёки яхши шамоллайдиган хонада қуритилади ва илдизлар прессланади, баъзида қуритишдан олдин илдизни пўстидан ажратилади. Яхши қуритилган маҳсулот 10 йилгача сақланади. Ширинмия ўсимлиги илдизидан ажратиб олинган глицирризин кислотаси тиббиётда ошқозон-ичак яралари, дерматит, нейродерматит, псориаз, бронхиал астма, юқори нафас йўллари шамоллаганда, балғам кўчиш, сийдик ҳайдаш, ични юмшатиш, гастрит, нейродермотит, аллергия касалликлар, экзема, ревматизм, подогра ва гемморой касалликларида қўлланилади.

Ширинмия шарқ ва халқ таъбиотида қанд касаллиги билан оғриган беморларга, импотент, нефрит, простата беши ва аденома касаллиги, кўк йўтал (сутга қўшиб), стенокардия, тош касаллиги, хафақон, ренит касалликларини даволашда фойдаланилади. Бундан ташқари ширинмия илдизи ва унинг экстракти ҳозирда халқ хўжалигининг озиқ-овқат, тамаки саноатида ишлатилмоқда. Ширинмия ўсимлигининг ўзи витамин , табиий бўёқ ва ошловчи моддаларга бой ўсимлик сифатида ҳам маълумдир. Кундан кунга унинг ишлатилиш соҳаси кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда эса илдиз ва унинг экстрактдан фақатгина тиббиётда қўлланилиб қолмай, балки халқ хўжалигининг 20 дан ортиқ тармоқларида унга бўлган эҳтиёж намоён бўлмоқда. Бунга асосий сабаб, илдиз кимёвий таркибининг хилма-хиллигидир. Бу ўсимликларнинг ер ости аъзолари халқ хўжалигида ишлатиш мақсадида кўп миқдорда етиштирилади.

Хулоса қилиб айтганда, табиатда мавжуд бўлган ширинмия популяцияларни сақлаб қолиш ва уларни кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади. Ундан олинган препаратлар арзон ва табиий маҳсулот ҳисобланади. Ушбу препаратлар бир неча касалликларни даволашда ижобий самара беради.

Адабиётлар рўйхати.

1. Нигматов С.Х., Лерман Ф.С. «Особенности роста и развития солодки голой (*Glycyrrhiza glabra* L.) на засоленных землях Голодной степи». Т.: 1970 й.
2. Паузнер Л.Е., Коваленко Н.З., Нигматов С.Х. «Некоторые данные о солеустойчивости семян солодок голой и уральской». Т.: 1970 й.

ОБРАЗОВАНИИ БОЛЕЗНИ СЕРДЕЧНОГО СОСУДИСТОГО СИСТЕМЫ ПРИ ПАТОЛОГИЧЕСКОЙ СОСТОЯНИИ ЖЕЛУДОЧНО-КИШЕЧНОГО ТРАКТА	
Расулова М.Т., Юлдашев Н.М., Нишантаев М.К.	263
ҲАВО ТАРКИБИНИНГ ЎЗГАРИШИ АСОРАТЛАРИ	
Рахматуллаев И.Р., Нишонов М.Ф.	265
ОПЫТ ПРИМЕНЕНИЯ СТРЕЙН-ЭХОКАРДИОГРАФИИ ДЛЯ ОЦЕНКИ СИСТОЛИЧЕСКОЙ ФУНКЦИИ ЛЕВОГО ЖЕЛУДОЧКА	
Розыходжаева Г.А., Жураев О.Р., Ерегитов У.Э., Розыходжаева Ф.А., Икрамова Ф.А., Каримова Ю.А.	267
РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК ТИББИЙ – ИЖТИМОЙ МУАММО СИФАТИДА	
Рустамов А.Ф., Исоқов Э.З.	272
ZAYTUNNING OZISHDAGI FOYDALI TA’SIRI.	
Saidahmadova N.G’. Ruzmatova X.Q.	274
FUMARIACEAE OILASIGA MANSUB O’SIMLIKLAR ALKALOIDLARINI O’RGANISH VA HOSILALARINI O’RGANISH	
Saloxiddinov A.R.	276
KUNJUT VA UNING FOYDALI XUSUSIYATLARI.	
Saminova Hilola	277
XALQ TABOBATIDA ARCHA VA ARCHA EFIR MOYI FOYDALI XUSUSIYATLARI, QO’LLANILISHI	
Saydahmedova X.R.	278
СУВ ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТ	
Садиков У.Т.	280
ГЛИКОЗИДЛАР ВА ЎСИМЛИК ТАРКИБИДАГИ ЮРАК ГЛИКОЗИДЛАРИНИ АНИҚЛАШ	
Садиков У.Т., Марупова М.А.	281
ТАОМ ВА ТАБОБАТ	
Садиков У.Т., Марупова М.А., Султонов Г.Н., Норматова Ш.А.	282
АЛИШЕР НАВОЙИЙ АСРИ ТАБОБАТИ	
Садиков У.Т., Хамдамов С.У.	284
ШИРИНМИЯ (GLYCYRRHIZA GLABRA L.) ЎСИМЛИГИНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ.	
Садуллаева Д.М., Эсанов Ҳ.Қ.	285
ХАЛҚ ТАБОБАТИ ТАРИХИДАН	